

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КПТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

Кадрларимизнинг иқтисодий билимларини тинмай оширайлик

Коммунизм қурилишининг партиямиз белгилаб берган улуғвор вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш кадрларимизнинг сиёсий билим даражасига, марксча-ленинча онглилигига, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш қонуниятларини пухта билишларига боғлиқдир. Кадрларимизнинг сиёсий билим даражаси, марксча-ленинча онглилиги нақадар юқори бўлса, хўжалик ва маданий қурилишимиз соҳаларида эришадиган муваффақиятларимиз шу қадар кўп ва мустаҳкам бўлади.

Кадрларимизнинг марксча-ленинча тайёргарлигини оширишда уларга сиёсий иқтисод билимларини ўргатиш муҳим аҳамиятга эгадир. Сиёсий иқтисод кадрларимизни ижтимоий ишлабчиқарош тараққиёти қонунилари билими билан қуроллантиради, мамлакатимизда амалга ошириладиган хўжалик қурилишининг тизимли вазифаларини чуқур аниқлаб олишга ёрдам беради. Иқтисодий билимларини пухта ўрганиш жамиятимиз ишлаб чиқаруви кучларини янада тез ривожлантириш учун, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий даражасини юксатириш учун социалистик хўжалик системасининг барча афзалликларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради.

Совет халқи олға, коммунизм сари дадил қадамлар билан борибди. Социалистик ишлабчиқарош юксак техника базисига қулайлиги юксалмоқда. Сановатимиз, қишлоқ хўжалигимиз ҳозирги замоннинг қудратли техникаси билан тобора кўпроқ таъминланмоқда. Халқ хўжалигимизга янги совет фани ғўшқлари кенг жорий қилинмоқда. Халқ хўжалигимизнинг ана шу ўсиб бораётган юксак талаблари унга ишнинг қўлини билади, малакали раҳбарлик қилишни талаб этади. Иқтисодий билимларини билимдан туриб, социалистик саноат ва қишлоқ хўжалик эканомикасини чуқур ўрганмасдан туриб ишлабчиқарошга раҳбарлик қилиш мумкин эмас.

Ўтган ўқув йилида минглаб коммунистлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлабчиқарошнинг кўп қисми хўжалик сиёсий иқтисодини ва конкрет эканомика масалаларини ўрганишлар. Партия комитетлари ҳузурида социалистик саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқарош эканомикаси юзасидан лекциялар цикли ташкил этилди. Эканомика масалалари юзасидан ташкил этилган семинарлар умумзаарий масалалар билан бирга социалистик ишлабчиқарошнинг ташкил қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бунда маҳаллий саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлабчиқарошнинг практикасида олиган материаллардан фойдаланилди. Айниқса Тошкентдаги «Подъёмник» заводи, И. В. Сталин номидаги тўқимачилик комбинати, 1-нчи авторемонт заводи, Кинап фабрикаси партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган сиёсий иқтисод тўғрисида ўтган ўқув йилида бу соҳада аниқгина таърибга эришдилар.

Сўнгги йиллар мобайнида КПСС Марказий Комитетининг тарихий қарорлари асосида қишлоқ район партия комитетлари ўз ишларини қайта қурдилар, колхоз, совхоз ва МТСларга партия раҳбарлиги янада яхшиланди. Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб, қишлоқ районларида иқтисодий билимларини пропаганда қилишга алоҳида эътибор бердилар. Ўтган йил бир қанча МТС ва совхоз партия ташкилотлари ҳузурида қишлоқ хўжалик ишлабчиқарош эканомикаси, агрономия ва зоотехника масалаларини ўрганиш юзасидан назарий семинарлар ташкил этилди. Мирзачўл район партия комитети коммунистлар ва партиясиз активлар истеғини қондириб, колхоз раислари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва қишлоқ Совети раислари учун қишлоқ хўжалик ишлабчиқарош эканомикасини ўрганиш юзасидан ўтган ўқув йилида семинар ташкил қилган эди. Бу семинар машғулотларига 47 киши аъзо қатнашди. Тингловчилар учун «Социализмнинг асосий иқтисодий қонун», «Партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини кескин

Н. С. ХРУШЧЕВ ва А. И. МИКОЯН ўртоқлар «Гарст ва Томас» деган Америка фирмасининг раҳбари Росвел Гарст жанобларини қабул қилдилар

ЯЛТА, 7 октябрь. (ТАСС). Н. С. Хрушчев ва А. И. Микоян ўртоқлар макжазҳорининг гнрибд уруғларини еттиштириш «Гарст ва Томас» деган Америка фирмасининг раҳбари Росвел Гарст жанобларини қабул қилдилар ва у билан сўхбатлашдилар.

Қабул вақтида СССР совхозлар министри ўртоқ И. А. Бенедиктов ва СССР қишлоқ хўжалик министри вазифасини ижро этуви ўртоқ В. В. Мацкевич ҳозир бўлдилар.

Колхоз бир кунда топширган пахтаси учун давлатдан 1 миллион 100 минг сўм пул олди

Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхоз республикасининг йиллик ва юқори ҳосили колхозларидан бири ҳисобланади. Бу колхоз пахта тайёрлаш давлат планини йилсайин ошириб бажариб келмоқда.

Колхоз пахтакорлари бу йил 1170 гектар ерининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил еттиштириш учун 60 ёйин филокорона меҳнат қилдилар. Колхоз даражасига мажбуриятини қўйлабодидан даражада ҳосил еттиштирилди. Шу кунларда ана шу мўза ҳосил афр ушқоқлик билан йиғиб-териб олиноқда ва давлатга ҳар кун йиллик планнинг 2,5 проценти миқдорда пахта топшириляптир.

рившида ривожлантиришга қаратилган тадбирлари ва уларни амалга ошириш учун кураш», «Қишлоқ хўжалиги ишлабчиқарошнинг планлаштириш» ва бошқа бир қанча темаларга лекциялар ўқилди. Семинар колхозлар ва МТСларнинг хўжалик фаолиятини яхшилашга, меҳнатнинг анча пухта ташкил қилинишига ижобий таъсир кўрсатди.

Янги ўқув йилида сиёсий иқтисодий ўрганишга қизиқиш янада ошди. Коммунистларнинг сиёсий иқтисодий ўрганишга бўлган истаклари ҳисобга олиниб, иқтисодий назария ва конкрет эканомика масалаларини ўрганиш юзасидан тузилган тўғраракларнинг сони бу йил анча кўпайтирилди. Масалан, бу йил шундай тўғрараклар Тошкентнинг Марказий районидаги янада ўқув йилидаги қараганда икки ярим мартадан ҳам кўпроқ тузилди. Бу ҳол партия ташкилотларидан сиёсий иқтисодий, конкрет эканомикани ўрганиш тўғраракларининг ишига раҳбарликни янада яхшилашни талаб қилади.

Ўтган ўқув йилида партия комитетларининг пропаганда ва агитация бўламлари томонидан пропагандаистларга яхши ёрдам кўрсатилмаганилиги ва уларнинг фаолияти пухта контроль қилинмаганилиги натижасида сиёсий иқтисод тўғрараклари ва семинарларида ўтказилган кўпгина машғулотларнинг гоийий-назарий савияси паст бўлди. Масалан, Ленин район партия комитети сиёсий иқтисод тўғраракларининг ишига етарли эътибор бермади. Райондаги сиёсий иқтисод тўғраракларида машғулотларини ўтказиш методикаси, энг яхши пропагандаистлар таърибларини омдалаштириш масалалари район партия комитетининг диққат марказида бўлмади. Доимий семинарларда асосан умумий характердаги лекциялар ўқилди. Бу лекциялар республика-миз, облатимиз, айрим корхоналар ҳаётидан олинган қизиқарли фактлар билан боғлаб ўтказилмади.

Район ва шаҳар партия комитетлари пропагандаистлар учун ташкил этилган семинарлар плани бўйича саноат ва қишлоқ хўжалик эканомикасининг муҳим масалалари юзасидан лекция, доклад ва консултациялар уюштиришлари лозим. Бу ишга партия ва совет ҳодимлари, мустахассслар, саноат ва қишлоқ хўжалик нагоралари жалб этилиши керак. Шунингдек, сиёсий иқтисод тўғраракларининг пропагандаистлар учун систематик рившида консултациялар уюштириш лозим. Консултант сифатида олий ва ўрта ўқув юрталарининг малакали ўқитучилари, партия ва совет ҳодимлари жалб этилиши зарур.

Коммунистларнинг, барча кадрларимизнинг иқтисодий ўқувини ташкил этишда партия кутубхоналари муҳим роль ўйнайдилар. Партия кутубхоналари пропагандаистлар учун ҳам, тингловчилар учун ҳам, мустақил ўрганувчилар учун ҳам назарий ва методик ёрдам беришининг чинакам марказ бўлмоғи керак.

Партия ташкилотлари коммунистик қурилишнинг ҳозирги юксак талабларини ҳисобга олиб иқтисодий билимлар пропагандасини янада яхшилашлари лозим. Район ва шаҳар партия комитетлари лекторларини, тўғрарак раҳбарларини танлаш, тарбиялашга эътиборни кучайтиришлари уларга иқтисодий назария ва машғулотлар ўтказиш методикасини пухта ағаллаб олишда яқиндан ёрдам беришлари зарур. Партия ташкилотлари шунга эришмоқлари керакики, кадрларимизга иқтисодий билимларини ўргатиш ҳарбир корхона, ҳарбир колхоз ва совхозда хўжалик-сиёсий вазифаларини муваффақият билан ҳал этишга ёрдам берсин.

Ишонч билан айтиш мумкинки, агар биз кадрларимизни марксча-ленинча сиёсий иқтисод фани билан пухта қуроллантирсак, уларнинг ижтимоий тараққиёт обьекти иқтисодий қонуналирини чуқур ўрганиб олишларига ёрдам бераск, хўжалик ва маданий қурилишимизга моҳирлик билан раҳбарлик қилишга қодир бўлган ишбилармон ташкилотчиларни кўп-лаб тарбиялаб етиштироаламиз.

Колхоз кундалик топшираган пахтаси учун давлатдан кўпала пул олмақда. Масалан, 7 октябрь кунини топширилган пахтага давлат 1 миллион 100 минг сўм пул берди, шундан 659 минг сўми устам мурғотидир.

Колхозимиз аъзолари йиллик пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрда социалистик революциясининг 38 йиллик байрами кунигача тўла бажариш учун социалистик мусобақани кенг қизғин ҳолда филокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

А. КАРИМОВ, Оржоникидзе райондаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бош бухгалтер.

ГДР ташкил этилган куннинг олти йиллиги муносабати блан Берлинда ўтказилган тантанали мажлис қатнашчиларидан СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетига табрик

БЕРЛИН, 7 октябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси ташкил этилган куннинг олти йиллигига бағишлаб, Берлинда ўтказилган тантанали мажлисининг қатнашчилари СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетига қўйидаги табрикни қабул қилдилар:

**„Совет Социалистик Республикалари
Иттифоқи Министрлар Советига
КПСС Марказий Комитетига**

МОСКВА.

Қадри ўртоқлар! Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Германия Демократик Республикаси ташкил этилган куннинг олти йиллигини қувончи байрам сифатида нишонламоқдалар. Ҳукуматимизнинг тинчликсеварлик сиёсати ва меҳнаткаш кишиларнинг сўр тайрат блан қилаётган ишлари ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ўз самараларини бермоқда ва республикаимизда социалистик қурилишнинг асосларини мустаҳкамламоқда. Яқинда ҳар иккала ҳукуматимиз ўртасида «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўғрисида Шартнома» тузилганилиги муносабати блан шу олти йилликнинг аҳамияти янада ортади. Бутун Германиядаги тинчликсевар кишиларнинг ҳаммаси бу Шартномани қизғин мақдўламоқда.

Совет ҳукуматининг халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга қаратилган ва яқинлик блан амалга ошираётган сиёсати бутун дунёнинг ҳамжиҳатликка қайта турган барча тинчликсевар кишиларига айниқса Женева кенгашидан кейин катта умид туғилди. Жанжалларни куч ёрдами блан бартараф этиш ҳавфининг умуман қамайиши блан бир қаторда Европа халқлари ва шу блан бирга немис халқи учун ҳам Европага тааллуқли бўлган ва ҳал этилмаган проблемаларни ҳал этиш ва тинчликни таъминлашнинг қўлай перспективалари вужудга келмоқда.

Совет Иттифоқи блан ГДР ўртасида ўтказилган музокаралар муносабати блан тинчликсевар ва демократик герман давлатини қайта тиклашнинг реал имкониятлари муҳокама қилинди. ГДРдаги демократик кучларга ишонинишга асосланган шартнома ишчи-деҳқонлар ҳокимиятиимизни мустаҳкамлаш ишидаги катта ёрдам бўлиб, бутун Германиядаги барча тинчликсевар ва демократик кучларга маънавий ёрдам бўлиб, бу шартнома тузилиши блан ҳар иккала давлатимиз ўртасидаги муносабатларда ҳар икки халқимизнинг қарошларча дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кучайтиришда янги давр ҳам бошланди.

Германия Демократик Республикаси ўз давлат суверенитетига мувофиқ, халқаро кескинликни юмшатиш ишига, коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш ишига ҳамда ҳозирги вақтда тинчликсевар ва демократик Германияни барпо қилишга ҳалқат бераётган гавларни йўқотиш ишига ўз ҳиссасини қўймоқ учун ҳамма чораларни кўради. Германия Демократик Республикаси Варшава шартномасида қатнашилган ва дўст мамлакатлар блан бўлган муносабатлардан келиб чиқадиغان мажбуриятларини бажаришни ўзининг фарзанди вазифаси деб ҳисоблайди.

Биз, шу шартнома билан республикаимизнинг аҳолисига ва бутун немис халқига нисбатан сўр ишонч кўрсатилганилиги учун Совет ҳукуматига санимий миннатдорчиликимизни изҳор қиламиз.

Совет Иттифоқи блан бузимас дўстлик Германия Демократик Республикаси ҳукумати ва аҳолисининг ҳамда бутун Германиядаги барча ватанпарвар кишиларнинг ишларида ҳамма асосий йўл бўлиб қолди. Биз СССРнинг, совет халқларининг КПССнинг шонли раҳбарлиги остида коммунизм қурилишида ва узоқ давом этиладиган тинчлик учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини тилаймиз.

Германия Демократик Республикаси ташкил этилган куннинг олти йиллиги муносабати блан ўтказилган тантанали мажлис қатнашчиларини.

БЕРЛИНДАН ТЕЛЕГРАММА 1955 йил, 6 октябрь.

**Совет Социалистик Республикалари
Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси
Николай Александрович БУЛГАНИНГА**

МОСКВА.

Қадри ўртоқ Министрлар Советининг Раиси, Германия Демократик Республикаси блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар тўғрисида 1955 йил 20 сентябрда Москвада имзоланган Шартнома кучга кириши муносабати блан юборган табригиниз учун Сизга санимий ташаккур изҳор қилишга руҳсат атаймиз. Бу Шартнома ҳар икки давлатимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун жуذا катта аҳамиятга эгадир ва мамлакатларимиз ўртасида янада маҳкамроқ ҳамкорликка олиб келади. Халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг қувватлан мақсоди Европада коллектив хавфсизликнинг амалий системасини вужудга келтиришга ёрдам беришдан, шунингдек тинчликнинг бузилишига йўл қўймайлик учун қўлимиздан келган тадбирларни кўришдан иборат. Бу чора герман халқининг миллий манфаатларига шунинг учун ҳам мос бўлиб турадики, Европада коллектив хавфсизлик системасининг вужудга келтирилиши Европа халқларини ва герман халқининг ўзини ҳам Гарбий Германияда қайтадан тикланаётган герман милитаризмидан ҳимоя қилишининг биринчи шартидир ва Германиянинг бирлигини тинчликсеварлик ҳамда демократик асосда қайтадан тиклаш йўлини Париж битимлари вужудга келтирган гавлардан халос қилишга олиб боради.

Германия Демократик Республикаси ташкил этилган куннинг 6 йиллиги арафасида бу тарихий шартномани тузишда олижаноблик блан кўрсатган ёрдамнинг учун Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматига ва ўртоқ Министрлар Советининг Раиси, Сизга барча тинчликсевар немислар номидан санимий ташаккур изҳор қилишга ахтир сезаман, шунингдек Сизнинг ва бутун совет халқининг социализм қуришдан иборат буюк ишда янгидан-янги муваффақиятларга эришувинингизни иштага ахтир сезаман.

ОТТО ГРОТЕВОЛЬ.
Германия Демократик Республикасининг Бош Министри.

БЕРЛИНДАН ТЕЛЕГРАММА 1955 йил, 6 октябрь.

**СССР Ташқи Ишлар Министри
Вячеслав Михайлович МОЛОТОВГА**

МОСКВА.

Қадри ўртоқ Министр, Германия Демократик Республикаси блан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар тўғрисида 1955 йил 20 сентябрда имзоланган Шартнома Германия Демократик Республикаси Халқ Палатаси томонидан яқинлик блан тасдиқланганилиги муносабати блан менга юборган табригиниз учун, шунингдек маъзур Шартнома Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми томонидан тасдиқланганилиги учун энг санимий ташаккуримни қабул қилишинингизни сўрайман.

Германия Демократик Республикасининг ташқи сиёсат соҳасида ҳам Шартномада таъкидланган тўла эркинлик биз учун, шу вақтгача амалга оширилмаб келган ташқи сиёсатимизни янада ривожлантириш демократик Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан чин қўйилган бўлган санимий дўстлик ана шу сиёсатнинг бузимас ва мустаҳкам пойдеворидир.

Шартнома Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади ва бу блан Германиянинг бирлигини тинчликсевар ва демократик давлат сифатида қайтадан тиклашга ёрдам беради.

Доктор Лотар БОЛЬЦ.
Ташқи Ишлар Министри.

Б У Г У Н Г И С О Н Д А:

Н. С. Хрушчев ва А. И. Микоян ўртоқлар «Гарст ва Томас» деган Америка фирмасининг раҳбари Росвел Гарст жанобларини қабул қилдилар (1-нчи бет).

ГДР ташкил этилган куннинг олти йиллиги муносабати блан Берлинда ўтказилган тантанали мажлис қатнашчиларининг СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетига табрик хати (1-нчи бет).

Германия Демократик Республикасининг Бош Министри Отто Гротевольнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганинга телеграммаси (1-нчи бет).

ГДР Ташқи Ишлар Министри доктор Лотар Больцнинг СССР Ташқи Ишлар Министри ўртоқ В. М. Молотовга телеграммаси (1-нчи бет).

Биринчи рус революциясининг 50 йиллиги: А. Рябцев. — Завод — музей (2-нчи бет).

ФЕЛЬЕТОН: С. Раҳимов. — Товламачилар (2-нчи бет).

Ғанимат фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиб, барча колхоз, совхозларда пахта тайёрлаш сур'атини оширайлик! (3-нчи бет).

КОНСУЛЬТАЦИЯ: Б. Трегулов. — Давлатга кўпроқ отбор сорт пахта топширилик (3-нчи бет).

Германия Демократик Республикаси ташкил этилган куннинг олти йиллиги байрам қилиниши. Берлинда оммавий митинг (4-нчи бет).

Саура ва юмор (4-нчи бет).

В. Поляков. — Адрес тайин (4-нчи бет).

РАБОТ ТЕРИМЧИЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГИЗ!



Оққўрғон районидagi Охунбобоев номи колхозининг чевар теримчиси Тўхтаох Бобоева шу кунларда меҳнат унумини тобора оширмоқда. У мавсумда 15 тонна пахта териб тўғрисидаги мажбуриятини шараф блан бажариш учун астойдил курашаптир.

Комсомол а'зоси Тўхтаох Бобоева партияимизнинг XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақатга қўшилиб, бу йил еттиштирилган мўл ҳосилни тез йиғиб-териб олишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаптир. Колхоз правлениеси чевар теримчининг иш таърибларини бошқалар ўртасида ҳам кенг пропаганда қилмоқда. Ҳозир колхозда нормасини ошириб бажарётганлар сони анча кўпайди.

— Мен дейди, — Тўхтаох, — 15 тонна пахта териб тўғрисидаги вадамни албатта бажараман. Бунинг учун иш вақтидан янада унумлироқ фойдаланиш учун курашаман. Шу блан бирга ўз ўртоқларимнинг ҳам кунсайин кўпроқ пахта теришлари учун уларга яқиндан ёрдам бераман.

Суратда: чевар теримчи Т. Бобоева. М. Шевелев фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ (процент ҳисобида)					
Вилларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан	Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан
Оҳангарон	1,33	58,59	Ўртачирчиқ	1,58	42,85
Пискент	1,49	55,83	Янгийўл	1,66	42,69
Оржоникидзе	2,27	53,54	Гулистон	1,41	42,59
Ўртасарой	2,22	52,38	Оққўрғон	1,69	42,16
Юкоришчириқ	2,06	48,88	Ховос	0,92	41,20
Мирзачўл	1,64	48,36	Чиноз	1,59	40,65
Бўка	1,52	45,29	Калинин	1,57	38,30
Октябрь	2,34	45,25	Қуйишчириқ	1,69	34,49
Сирдарё	2,10	43,89	Бекобод	1,29	34,44
Верхне-волжск	1,64	43,57	Бойвут	1,27	31,67

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ (процент ҳисобида)					
Совхозларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан
4-нчи Вревский	2,69	56,92	17-нчи совхоз	1,54	33,96
«Малик»	2,71	42,43	3-нчи «Далварзин»	1,76	32,80
16-нчи совхоз	1,80	38,39	1-нчи «Далварзин»	1,52	30,03
1-нчи «Бойвут»	1,45	35,70	4-нчи «Бойвут»	1,52	28,90
2-нчи «Далварзин»	1,64	35,07	2-нчи «Бойвут»	1,70	27,95
«УзССР бешйил- лиги»	1,70	34,49	3-нчи «Бойвут»	1,25	26,23
3-нчи Вревский	2,08	34,37	«Қўқорол»	0,81	21,68
			10-нчи совхоз	—	12,71

Ўзбекистон Совет рессомлари союзининг пленуми

Яқинда Ўзбекистон Совет рессомлари союзининг Пленуми бўлиб ўтди. Бунда республика Совет рессомлари союз правленисининг раиси ўртоқ С. Абдуллаев Ўзбекистонда тасвирий сан'атни кучайтириш ҳақида доклад қилди.

Докладда ва доклад юзасидан бошланган музокараларда Ўзбекистон совет рессомлари союзининг сўнгги уч йил мобайнидаги фаолияти, республика рессомларининг ижодий ишлари анализ қилинди, союз ишида содир бўлган камчиликлар танқид қилинди.

Пленумда айрим рессомлар актуал темаларга талабга жавоб берадиган билимий асарлар яратмаётганликлари, яратилган асарларда аса кўпгина камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди. Рессомлардан В. Уримцевнинг «Оловий йиллар», В. Евенковнинг «Бек келаяптир» асарларида образ ҳал этилмаган, уларда чуқур психологик ҳолат сезилмайди. Маиний жанрда яратилаётган асарлар ҳам талабга жавоб бермайди. Рессомлардан М. Саидовнинг «Нормани бажармади» ва З. Иногамовнинг «Колхоз ошази» картиналарида тасвирланган кишилар

БИРИНЧИ-РУС РЕВОЛЮЦИЯСИНING 50 ЙИЛЛИГИ

ЗАВОД—МУЗЕЙ



Россияда биринчи рус революциясининг бўлиб ўтганига 50 йил бўлди. Россиядаги 1905 — 1907 йиллар революциясининг чекка ўлкаларида миллий-этнолик ҳаракатининг ривожланишига зўр таъсир кўрсатди, революция йилларида чоризмга қарши олиб боришнинг шиддатлиқ кураш давомига айлган халқларнинг бirlашган революцион фронти вужудга келди.

Чор империясининг собиқ мустанлаккаси ҳисобланган Урта Осиё ишчи ва деҳқонлари ҳам рус пролетариати ва деҳқонлари билан ёнма-ён туриб ўзаранинг умумий душманларига бўлган қаршилик ва пинҳонликларга қарши қармоқчилик кураш олиб бордилар. Тошкент темир йўлидаги Урта Осиёдаги революцион ҳаракатларнинг дом олдиги сафарида турганликларини учун ҳам ҳақли равишда баҳрамандалар.

Л. М. Каганович номлиги паровоз-вагон ремонт заводининг аjoyиб тарихи Урта Осиёдаги 1905—1907 йиллар ва ундан кейинги революцион ҳаракатлар тарихи билан ҳамбаркас бўлганлиги. Революциялар йиллари Урта Осиё темир йўли устaxonлари деб аталган бу йилги тарихининг қўзғалғини айлган кичик ҳақиқатлар ҳам унинг заводи—музей ҳақиқатига қаноат ҳосил қилади.

Завода кираверилган мемориал ҳафта охири бўлиб, Урта 1920 йилда шу заводида Туркистон фронти қўшинларининг кўмондони. Бугун Россия Марказий Ижроия Комитети Туркистон комиссиясининг аъзоси Михаил Васильевич Фрунзенинг Тошкент темир йўлидаги олдига нутқ сўзлаганини ёзиб қўйилган.

Заводнинг партия кабинетига ишчиларнинг овозини бахт-саноат учун олиб берган кураш тарихига бағишланган домий выставка ташкил қилинган. Ушбу 1905 йилда Тошкентда бўлиб ўтган революцион ҳаракатларнинг тарихини тасвирловчи етти турлилик: махсус ишланган схема Россиядаги 1905—1907 йиллардаги этакча ҳаракатларнинг кенг қулоқ ёйганини кўрсатди. У билан ёнма-ён тевоира курашувчи Кибиревнинг 1905 йил 19 февралда Тошкент сўз палатасининг прокурори номига ва Тошкент округ судининг прокурори номига юборган маълумотининг тексти. Бу маълумотда: «19 феврал эрталабдан бошлаб устaxonларга ҳеч қандай ишга қолмади. Урта Осиё темир йўлига 700 та яқин киши қўзғолон кўтарди», — деган тўғрилик бор.

Туркистон генерал губернатори вазифасини бажарувчи Сахаров эса ўзининг махсус буйруғида бундай деб баъган:

«Эти Олийларининг махсус Олий фармонлари билан меъта тошчиларини ҳокимиятга асосланган, Урта Осиё темир йўлининг... қайси бир жойида иш ташлаш келиб чиқса ўша йўлни ҳарбий ҳолатда деб ҳисобланган».

Завода Россия социал—демократик ишчилар партияси Тошкент группасининг муносабати сақланган. Унда: «Этакча гадаба қозонмаса ҳам, у бизнинг кўнчилиши оқини, эа аҳолининг ҳақида ўйланга олиб келиди. Биз ҳушмаларининг кўп эканлиги, бир-биримизнинг маънафадларининг олти тушушган ҳолатда бirlашиб ҳамда аҳлини билан кураш олиб борганлиги улардан кўтулуш мумкинлигига ишонди. Бу, биз—Урта Осиё темир йўлининг ишчилари денгиздан томонимиз. Шу сабабли биз эвбулататор-капи-

талистлар ва чор ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган Россия Социал-демократик ишчилар партиясини ташкил этуни бутун Россия ишчилар синфининг илгор қисми — рус пролетариатига бirlашимиз керак. Уртоқ ишчилар, мана шу партиянинг қизил байроғи остида бirlашмайлик ва унинг биринчи қақирғи бlаноқ эолим ҳокимиятга қарши штурм бошлайлик. Революцион маршблза билан бirlа:

— Нўрдаеи подшо ҳокимияти! Иласин демократик республика! — Нўрдаеи капитализм! Иласин социализм! — деган хитоблар янграган.

Завод музейидаги тахтада Тошкентдаги социал-демократик ташкилотнинг бошхонаси налр этган ва рақаларнинг фото-сурати, шаҳар чеккаларида ўтказилган йиллашларнинг, ишчи курашув постларининг ҳамда Улуг Октябрь социалистик революциясига Тошкент социал-демократик ташкилотининг мажлислари ўтказилиб турадиган Хўжада кўчасидаги квартиранинг фото-рессамлари қўйилган.

Мана муъжизага бино, Унинг де-ворига ўрнатилган мармар тахтачадаги суварлар бу бинада 1917 йилнинг 28 — 31 октябрь кунларида Тошкентда бўлган Октябрь қўзғолони кўзголинга рақбарлик қилган революцион комитетнинг кенгаши ўтказганлигини хабар берилади. Сал нарига В. И. Ленинга ўрнатилган ҳайкал. Бу ҳайкал ўрнатилган жойда революцион жанг кунларида 6 йиллиқ замбарак турган эди. Бу замбаракнинг тарихи жуда ҳам қизиқ. Бу «СА» типидagi замбарак 1679-йил рақамли бўлиб, уни Оубухов заводи 1885 йилда ишлаб чиқарган. Замбарак маҳаллий артиллериячи қисмларнинг кўл остида турган. Октябрь жанглари кетаётган кунларда бу замбаракнинг ишчилари элқаларига кўтарган ҳолда Саперная кўчасида Ишчилар Қаласига олиб боришган (темир йўлилар устaxonларини ўша пайтда Ишчилар Қаласи деб атаганлар). Шу замбаракдан Вақиди Хўжа кўрдали кучаларининг ташкил пунктларига қарата ўқ уянтган. Тошкентда Октябрь революцияси гадаба қозонилган келди бу замбарак ҳам бошқа қўрол-аслаҳалар қаторига қизил гвардиячи отрядаларга бirlашган ишчиларга берилади. Қизил гвардиячи отрядалар бу қўрол ёрдами билан Закавказье фронтидagi четел интервентларига қарши кураш олиб бордилар. Генерал Дутовнинг оқ бандалари томонидан ушўтирилган «Оренбург пробкаси» вақтида 1679-йил рақамли замбарак Оренбург фронтига келтирилди. Сўнг артиллериачилар—Урта Осиё темир йўли устaxonларининг собиқ ишчилари уни ана Тошкентга олиб келишган.

1917 йилнинг 7 ноябрда (эски ҳисоб билан 25 октябрь) Петроград ишчи ва солдатлар депутатлари Совети ҳузуридаги Ҳарбий-революцион Комитетининг чиқарган мурожаатномаси бепойб ватанимизнинг Жанубий тоғларидан тикмолди денгизларига қаратилган. «Россия граждaнларига» деб аталуви бу мурожаатга: «Вақтлик ҳукумат йиғилиши... Халқ кураш олиб борган иш гадаба қилди» деб ёзилган эди. 1917 йил 25 октябрьда ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советининг кенгаши ўтказилди. Унинг протоколида бундай деб ёзилган: «Сўроқли қўзғолон 1917 йилнинг 30 октябрь кунига белгиланган».

Икки кундан сўнг ағдарилган

Вақтлик Ҳукуматининг ўларай қўрғани «бюро комиссари» Корвинченко Тошкентда бўйруқ чиқарди. Буйруқда ҳам оқиллик, ҳам зорланниш сезилиб турарди.

«Петроградда большевиклар томонидан қўрол қўзғолон кўтарилган билан бир вақтда ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советининг ижроия комитети Тошкент Гарнизонининг қўшинларига қарата мурожаат чиқариб, менинг хеблр буйруғимни бажармасликка чакирди». Бундан ўлгудек қўрққан генерал «Тошкент шаҳрини ва Сирдарё областининг Тошкент уездини ҳарбий ҳолатда» деб э'он қилди.

Броқ вақт ўтган эди. Тошкент кўчаларига революцион халқ тўтган ва энди уни ҳеҳанада қорз куч билан босиб бўлмасди.

Кўз олдигида Тошкентдаги Октябрь жангларининг схемаси, темир йўлиларнинг қўйил қўчасида қўрған баррикадалари, интерлар ва завақларга қарши жанглар олиб борилган ерлар ва бошқа тарихий жойларнинг суратлари турмуш.

Шу ерда бу заводнинг Урта Осиё революцион ишчиларининг ташкил қилинган бўлганлигини тасвирловчи тарихий суратлар ҳам бор: водоканализация томи тепасидан ишчи отрядлари пушекот билан Маринская, Елизаветинская, Варваринская ва Луковская кўчаларига ўрнатилган артиллериячи ушқа турмушқа. Вагон декиннинг томонидан Первунин кўприги ёнида ўрнатилган казак қисмлари ўққа тўтиланган.

Труборез цехининг ёнида казак казармаларини ва офицерлар мажлиси ўтказилган уйд ишчилар уч домли замбарак билан ўққа тўтиланган. Завода ҳозиргача шу замбарак сақланган. Паровоз цехининг томонидан казак полкнинг оқ подшо аскарлари ўққа тўтиланган.

1917 йилнинг 31 октябрь кунини кечан соат 3 да Урта Осиё темир йўли устaxonларида Ижроия Комитет Ҳарбий Совети ва ишчи, солдат депутатлари ўлка Совети прополччилар мактабинг қўзғолонларини ва шаҳар ҳамда ҳарбий оқбондорлар қўзғалғини ташкил этиш, темир йўли ҳаракатини тиклаш, қалъани ишгол қилиш ва қўролланиш тўғрисида қарор чиқарди.

Тез орада В. И. Ленин ва И. В. Сталин Туркистон ўлка Советларининг с'вадига мурожаат қилиб:

«Уртоқлар, Халқ Комиссарлари Совети ўлкангизни совет тартиблари асосида автоном бўлиб қозонишни қўлайди. Сизлар бошлаган ишни таъбирлашдан ва бутун Улкан Советлар тўғрисида билан қозонишга чўқув ишонамиз...» деб ёзилди. Бу тарихий ваффа Уббекистонда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси рақбарлигини муваффақиятдан ҳал этилди.

Л. М. Каганович номли заводида бугунги ижодий меҳнат шон-шарафини ўтмиш миллий революцион кўчаларини шон-шарафини билан узвий равишда бirlашиб кетган.

А. РАБЦЕВ, Суратда: Л. М. Каганович номли паровоз — вагон ремонт заводининг тарих музейида. Революцион ҳаракатда антия иштирок этган заводнинг кеиса илгичи уртоқ Т. А. Шаршин эш ишчиларга Тошкентда бўлиб ўтган январь июнлари ҳақида контрреволюцион есининг босиридини ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда.

В. Салов фотоси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти куйидаги китобларни нашр этди:

БАДИИ АДАБИЯТЛАР:

Л. САВИЛЬЕВ. — «Ишчи саройга ҳужум». (кичик ёндаги болалар учун). 60 бет, тиражи 30.000, баҳоси 2 сўм 10 тишин.

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ. — «Повесть ва ҳикоялар». 312 бет, тиражи 30.000, баҳоси 5 сўм 80 тишин.

С. ВОЛГИН. — «Зорья». 204 бет, тиражи 15.000, баҳоси 3 сўм 15 тишин.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистон сурх» бirlашган нашриёти куйидаги брошюраларни нашр этди:

П. А. БОГАЛЕВ. — «Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони». 36 бет, тиражи 40.000, баҳоси 1 сўм 20 тишин.

С. М. СЕЛЕШНИКОВ. — «Оламнинг тузилиши ҳақида фан ва дин». 44 бет, тиражи 30.000, баҳоси 70 тишин.

М. ГҲЛОМОВ. Республика исхоневрологик касалхонасининг бош врачси. — «Алкоголизм ўтмишининг зарарли саритидир». 40 бет, тиражи 40.000, баҳоси 60 тишин.

А. Б. ХУДОВСКИЕ. — «Қишлоқ хўжалигининг ривожлантиришда саноатнинг етакчи роли». 48 бет, тиражи 40.000, баҳоси 60 тишин.

Ўзбекистон ССР Уқув-педагогика Давлат нашриёти куйидаги дарсликларни нашр этди:

С. АЗИМОВ, Ю. СУЛТОНОВ, М. АФЗАЛОВ. — «Ўзбек совет адабиёти». (Урта мактабларнинг 9-йил синфи учун дарслик, биринчи китоб). 268 бет, тиражи 35.000, баҳоси 3 сўм 15 тишин.

И. А. ВИТТЕР. — «Чет мамлакатларининг итиссий географияси». (Урта мактабнинг 9-йил синфи учун дарслик). 416 бет, тиражи 35.000, баҳоси 8 сўм 20 тишин.

КОЛЛЕКТИВ. — «Совет адабиёти хрестоматияси». (Урта мактабларнинг 8 синфи учун). 566 бет, тиражи 25.000, баҳоси 5 сўм 55 тишин.

В. В. ПЕРИШКИН. — «Физика курси». (3 қисм. Электр, оптик ва атомнинг тузилиши. Урта мактабнинг 8 синфи учун дарслик). 360 бет, тиражи 40.000, баҳоси 4 сўм.

Доцент С. САҲОБИДИНОВ. — «Усимликлар йиғиш ва гербарийлар тузиш». 32 бет, тиражи 5.000 баҳоси 60 тишин.

Янги боқча

Югоричирлик районидagi Жумабозор Канф-жуғт заводининг партия ва касба оқси ташкилотлари заводида филокорода меҳнат қилаётган ёш болани асблар учун қўлай шартот яратиб бермоқдалар. Бу йил ишчи ва хизматчиларнинг мактабига ёндаги болалари ҳамда кичкина ерқотайлари учун янги 8 хонали боқча-асли биноси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Боқча биринчи партия ва ҳукумат рақбарларининг портретлари ва ҳарқил плакатлар билан безатилди. Боқчага болалар учун етарли миқдорда кичкина кроватчолар, стол-стулчалар ва ҳарқил ўйинчоқлар келтирилди. Ҳозир янги боқчада 25 бола тарбияланмоқда.

А. НАБИХУЖАЕВ.

Шаҳар коопторги ёрдамга муҳтож

Аҳолини сабабот маҳсулотлари, қовун, тарвуз, узум ва картошка билан таъмин этиб турган жуда катта аҳамиятга эга. Бу вазифани бажаришда коопторг муҳим роль ўйнайди.

Коопторг ташкил этилганидан бўйи қисқа вақт ўтган бўлса ҳам шаҳар аҳолисини сабабот маҳсулотлари билан таъминлашда бирқатор ишлар қилди. Лекин коопторг асосан ўз олдига қўйилган вазифани бажараолмаётган. Шаҳар партия ва совет ташкилотлари бўлса унинг ишчи кент йўлга қўйиб юборишда, материал-техника базасини кенгайтиришда етарли ёрдам бермаётганлар.

Коопторгнинг яхши ишлаши, унинг савдо тормоқларида меҳнатчилар учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етарли миқдорда бўлиб туриши ҳамма жаҳатдан район тайёрлаш контораларининг иш фойлигига ҳам боғлиқ. Улар коопторгнинг қар турли маҳсулот билан таъмин этиб туришлари зарур. Лекин облас-тимизнинг район тайёрлаш конторалари жуда ёмон ишламоқдалар, уларнинг кўп-лари шаҳар коопторги билан шартнома ҳам тузмаганлар.

Айрим тайёрлаш конторалари эса коопторг билан шартномани белгиланган вақтда расмийлаштириб қўйиб, шартнома юзасидан ўз устларига олган мажбуриятни ойма-ой бажармай келмоқдалар. Бунга мисол қилиб Қорасув, Тошкент, Орқоникос ва Калинин район тайёрлаш контораларини кўрсатиш мумкин. Коопторгга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаб беришда мана шундай «рекорд» қўйилган Тошкент район тайёрлаш контораси (директори ўртоқ Фирман) фаолиятида ҳам қўриш мумкин. Оққўрғон, Оқпанорон, Бекбоб, Уртасарой район тайёрлаш конторалари коопторг билан шартномалари бўлишига қарамай тайёрлаш пиланини бажармай келмоқдалар. Шаҳар коопторги бундай контораларга шартноманинг 12-йил парграфига биноан план бўйича топширилмаган маҳсулот нархининг 3 процентини миқдорда жарима солиш зарур эди. Коопторг бу қорани ҳам қўллаб кўрмаган. Бунинг устига коопторгнинг бу ҳуқуқи облас-тимизнинг расми Мухиддинов ва Ўзбекбirlашув комиссияси савдо бўлимининг бошлиғи Нароққўлов ўртоқлар томонидан қўлоқ равишда бузилган. Улар шартноманинг 12-йил парграфига коопторг тайёрлаш контораларига жарима солиш ҳуқуқини правленеонинг қарориеиз ўзбошимчилик билан 3 процентдан 0,3 процентга ўзгартиб қисқартир-

ФЕЛЬЕТОН

Тошкентда нима кўп, тўй кўп. Ана шундай тўйлардан бири хўролар сўнгги марта қичқираётганда тамом бўлди. Даррада ўтирганлар ўриларидан туриб бирин-кетин хайрлашиб кетаётганда тўсатдан тўй етаси билан ялчачилардан бири-нинг орасига жанасла кўтарилди.

— Яна 300 сўм берасиз, ҳа, қойил қилиш бундан ортиқ бўладики? Мўжаддигидан кўп хизмат қилган бўлсангиз, ўшанга яраша пул ҳам тушди-да!

...Ялчачи хўра налшадий шидқимлик қилаберди. Йўлг бу сўрбетлигини кўрган тўй етаси ади-бади қилиб ўтиришни эш кўрмади шекилли, шартга 300 сўм санаб берди-ю, кўтди. Ёнди ялчачилар ўзаро баҳслашмоқда эдилар. Уларнинг баҳсига қўлоқ солиб турган кишилар: «Бўлар жуда галати одамлар экан. Хали ашула айтиб, йўлгига тушаётганларига тушпа-тузук эдилар-ку, энди буниси нисаси, пулни йўлгига ботила нари-бери беришадилар. Оббо налшашлар-ей...» деб, бир-бирларига ма'ноли қараб қўйишар эдилар...

Хўрматли газетхон, Тошкент район партия комитети ўрнашган бинони биласиз? Ана шу бино олдига бориб қарасангиз, Анҳорнинг бу беткайига ўрнашган собиқ Деҳқонлар ўйи ўрнида қизил чойхона бунг'га келган. Чойхонага борсангиз, бир гуруҳа одамларга кўзингиз тушадилар. Улар кимлар? Балки еш «чой-хўрлар бўлса керак» дерсиз. Йўқ, Улар чойхўрлар ишробидagi бир гуруҳ саёқ ялчачи, соанилааридилар. Улар сиз театрларда учратаолмаган Олимбек Иноят, Юсуф Асизов, ака-ука Шожалиловлар, Салоҳидин Тўхтасинов, Маҳмуд Юнусов, Асқар Ўбайдуллаев, Қарим Мўминовлардир. Булардан ташқари яна аллақандай ялчачи рақсқасалардан Мухаррамхон Назаров, Вазиратхон Хўжаева, Муборакхон Мухомедов, Жамилхон, Олимхон, ошанин Мамлакатхон билан Ма'рифатхонлар ҳам бор. Қишлоқларда «дўст» деган сўзини эшитганда, «қойил қиламан» деб пул оламга муқассадан кетучи, манлий жихатдан бузуқ «эстралийчи» Турғуной Аҳмадбобоева ва Вадия Хўжаевларини айтмасак ҳам бўлади.

Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ нақилар, дегаларидек, уларнинг бу ерда ертдан нечтга налша қўриб, бир чойнак чойин майлаб иччиларининг боиси нима? Боиси шук, бирорта «орзу-хавасини ушатишчи бўлган тўй қилучини кутадилар.

Кейинги вақтларда сан'ат даргоҳи бу «сан'атчи»лар учун даромад манба'и вазифасини ўтайолмай қолди. Уларнинг иштаси қарий бўлиб, тузани жазани-жаб-дуги билан бир хўплам сувдек ютиб юборадилар бўлдилар. Сан'ат муассасаларидан оладиган маблағлари эса тиш орасида қолиб кетаётгандек туйилди. Шунинг учун ҳам улар театр, эстрада, филармонияни «тарки дун» қилиб, серувам тўйга юб-рабшадилар. Югурганда ҳам жўнгина югурмайдилар. Тўй қилучига «банди», фалон ерга бормасиз, ерга келинг, инди келинг» — деб ноз-фироқ қилдилар, налшарини оширилдилар. Ҳатто иш шу даражага бўлиб етдики, бирор киши тўй қилмоқчи бўлса, уларнинг «рози»лигини оладиган бўлиб қолшич, чуқил «рози»лик олиб, 300 — 400 сўм «зақлад» бериб қўйилмаса, ялчачилар бошқа тўйга кетиб қолшилар мумкин эмши. Ана писандан, ана налша-ю, дўтор...

Янгида қўйидагича аҳвол ўз берди: Содиқхон Раҳмонов исми бир киши чойхонага келиб, бир йилгит билан учраши ва

«Ялчачиларин қердан топсам бўлади» деб сўраганда ҳақигит йилгит Раҳмоновнинг бошидан-оёнгича қўз югуртириб чиқиди-да, кейин:

— Нисига керак, тўй қиласизми, қанақа тўй? — деди.

— Унда тўйи. Қарим ака билан Аҳбар-ака бўлса яхши бўлар эди.

— Ҳазари билан гаплашасизми? — Майи.

Улар икковлашиб Қарим Мўминовнинг уйига йўл олдилар. Йўл-йўлкай йилгит: «Кечин Файзула, фамилия Хўжаев, чир-манлачиман» деб ўзини таништирди. Хўжаев шу кунларда ялчачиларнинг «банди»лиги, ҳатто 20 октябрда бўладиган тўй учун 4 августда «зақлад» бериб қўйилганини сўзлади. Мўминов уйда йўл экан. Улар тўлғанадиган маблар ҳақида баҳслашбошладилар. Ниҳоят Хўжаев:

— Ёрталаб ош бериладими? — деб сўради. Раҳмонов «ҳа» деб жавоб бергач, сўнг гапида давом этди: — Хўп майи, бир ярим минг берасиз, Қарим акамларини олиб боришга қарамат қилман, бориай қолсалар, бошқа кишини... Қарим акам бореалар, ўзингиз билан хизмат қиларсиз, — деди.

Раҳмонов ноллож рози бўлди, чунки бошқа тўй қилучилар ҳам эшиқнинг тур-мини бузмоқдалар. Раҳмонов «Қарим ака бореа яна қандай хизмат қилман» деб ҳайрон бўлди-ю, пилдими. Дарҳақиқат шундай. Сал ноним чиққан ялчачилардан Қарим Мўминовни ёндаги ҳамтовонлари билан тўйга олиб боришчи бўлсангиз, уларга тўлғанадиган пул ваҳишасидан ла-бингига учуқ чиқадилар. Бу «қоғи»ларга 3—4 минг сўм бермасангиз, узаган оқ-ларини йилгитмайди! Шартга мувофиқ икки ялчачи, икки соанила ва бир ўйинчи — Жамилхон бориладиган бўлди. «Сан'ат уст-ларини» транспорт билан таъминлаш тўй қилучининг зиммасига юкланди...

Бу ялчачи, соанила, ўйинчиларнинг бир-ор ерда ишласанда тўйма-тўй юргани ҳам майи-я, лекин «фалон ерда пиллий-мин» деб эстрада, театр, филармонияни артисти қирқибди юрганларини айтмайбизми? Улар ана шу индиб остида минг-минг сўмлаб тушган қарсалама червонлар билан оғи тор, ичи ер чўнтақларини тўйдириб тўйдан қайтадилар.

«Сан'ат устларининг» хозирги қароргоҳа келиб қолганлари ҳам тасодиий эмас. Улар илгариги қароргоҳлари — Қанович кўчасидagi чойхонада тўйланиб, бема'илини қилаберганларини Мукимий номли музикали драма театрининг партия ташкилоти бу масалани шаҳар партия комитети муҳокамасига қўйди. Чойхона ёзилди. Ялчачилар гуруҳини тарқатиб юбориди. Ана шундан сўнг улар ҳозирги қароргоҳларига тўйланиладиган бўдилар.

Пулни қўрса қўзи хонасида ириб чиқадиган ялчачиларнинг «ренергари»даги ашулалар қўлоқ эомонами, қаҳрамон халқимизнинг қид ва талабларини ме кел-майдиган иллий-мистий, нессимистий га-заллариди.

Юқорида айтилган тўйда тарсала орқасидан бабоқ хўродек бўйинни чўзиб, пул тушишига қўз қирини таллаб ўтирган «қори акалар», қақасига пул қистириладиган шамоллатмай олиб, чўнтакча урган «белки камалар, сөнч жингаларлар кимлар эди? Булар Қарим Мўминов, Жамилхон, Олимхонлардир. Айлнқса буларнинг бир тийин устида тикла турганлари кишини азаблантирадиди.

Совет сан'атини ривожлантиришдан беш тортиб, сан'атчиларимиз ша'нига пу-тур етказмаётган, халқ оғини туя қилучи иқбодил артистлар Мухаммад Амин Мукимий тасвирлаган «аилб»дан қолшмайилар. Чунки, булар ҳам ўз манфадларини қўлаб, қердан ис чиқса, ўша ерда ҳозир бўлудчи товламачилардир!

С. РАҲИМОВ.

Болалар тарбиясига бағишланган йиғилиш

6 октябрь кунин Тошкент шаҳар, Октябрь районидagi ҳўрматли қариялар чойхонаси бинасида 22-йил Урта мактаб ўқу-чилари ота-оналарининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда район партия комитети секретари ўртоқ Ш. Шомасов «Болаларни коммунистик руҳда тарбиялашда ота-оналарнинг вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Доклад юзасидан қизин фикр олтишувлар бўлди. Мактаб ота-оналар комитетининг аъоси. Ўзбекистон ССР гўшт ва сўт маҳсулотлари саноати министрлигининг бош зоотехниги А. Соҳиқов, 4 боланинг онаси Н. Раҳимова, 139-йил мактаб ота-оналар комитетининг расми А. Зубаров ва

кекса коммунист Ю. Ойхўжаев ўртоқлар оилада болаларни тарбиялашдаги ўз тажрибаларини сўзлаб бердилар.

Докладчи ва йиғилишда сўзга чиққанлар 22-йил мактаб ота-оналар комитетининг болаларни тарбиялашда ўқитишлар коллективига катта ёрдам бераётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Мактаб ота-оналар комитетининг ташаббуси билан ота-оналар учун педагогика темаларида системали равишда лекциялар ўтказилди, консульта-циялар уюштирилди. Ота-оналар учун махсус кутубхона ҳам ташкил этилган.

Haun. № А — 1524